

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

7 ЖИЛД, 9 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 7, НОМЕР 9

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 7, ISSUE 9



# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№9 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2022-9>

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Fayziev Shoxrud Farmonovich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

**Boboyev Halimboy Boboyevich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Sattorov Abdug'affor**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Artur Gambaryan**

yuridik fanlar doktori, professor (Armaniston)

**Yosuke Shamoto**

yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННЫЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖЖОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

**Malikova Gulchexra**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Xusanov Ozod Tillabayevich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Selimanova Svetlana Mixaylovna**

yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

**Xvan Leonid Borisovich**

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Peshkova Xristina Vyacheslavovna**

yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)

**Sung Un Lee**

yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

**Oqyulov Omonboy**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Ruziyev Rustam Jabborovich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Borotov Mirodiljon Xomudjonovich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Toshev Boboqul Norqobilovich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Shomuxamedova Zamira Shoislamovna**

yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)

**Ahmad Issa Altweissi**

yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

**Esanova Zamira Normurodovna**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Egamberdiyev Eminjon**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jason A.**

Kanton Federal sud markazi (AQSH)

12.00.05 - МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

**Usmanova Muborak Akmalxanovna**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Gasanov Mixail Yuriyevich**

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Sattorova Gulnoza Djurakulovna**

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Murodova Gulnora**

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Denisov Gleb**

yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Fayziyev Shuxrat Xasanovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Usmonov Muhammadi Bahridinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Xolmuminov Juma**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jo'rayev Yuldash Achilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Skripnikov Nikolay Kuzmich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Po'latov Baxtiyor Xalilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Salomov Baxrom Salomovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Salayev Nodirbek Saparbayevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Osmonaliev Qayrat**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Aleksey Kibalnik**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Kudryavtsev Vladislav Leonidovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Sergey Shoshin**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)  
**James B.**  
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

**Rustambayev Mirzayusup Hakimovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Zufarov Rustam Axmedovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Kabulov Rustam**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Rajabova Mavjuda Abdullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Taxirov Farxod**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ismailov Isomiddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li**  
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)  
**Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Djansarayeva Rima Ernatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Yelena Antonyan Aleksandrovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Matthew Light**  
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)


**Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Pulatov Yuriy Safiyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**To'laganova Gulchehra Zaxitovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mirazov Davron Miragzamovich**  
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)  
**Rijakov Aleksandr Petrovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Stoyko Nikolay Genadyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Iskandarov Zayniddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Sergey Pen**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Aleksey Purs**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)  
**Jurgen Maurer**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)  
**Kevin Curtin**  
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

**Ismoilov Bahodir Islamovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Yuldasheva Govxerjan**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Alexander Trunk**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)


<b>1. Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна</b> ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ: НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	5
<b>2. Умаров Бекзод Азаматович</b> ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА НОМАРКАЗЛАШТИРИШ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ ЎРНИ.....	19
<b>3. Абдуллаева Мафтуна Мурот кизи</b> ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ТИЗИМИДА КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ.....	26
<b>4. Avezov Umidjon Toshpulatovich</b> JAMOAT BIRLASHMASI SIFATIDA KASABA UYUSHMALARINING HUQUQIY MAQOMI VA YURIDIK TABIATI.....	34
<b>5. Toshmuxammadov Asadbek Yusup o'g'li</b> O'ZBEKISTONDA OMMAVIY TADBIR O'TKAZISH TARTIBINING HUQUQIY ASOSLARI (QIYOSIY-HUQUQIY TAHLIL).....	43
<b>6. Муракаева Зухра Ильгизаровна</b> СХОДСТВА И РАЗЛИЧИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬНЫХ НОРМ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН И РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИИ В СФЕРЕ ОБЕСПЕЧЕНИЯ АВТОРСКОГО ПРАВА.....	50
<b>7. Джалилов Фуркат Закирович</b> ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИНИНГ МУЛКИЙ МАНФААТДОРЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАР ТУШУНЧАСИ.....	58
<b>8. Иброхимов Жамшид Абдуғофур ўғли</b> ЯЛПИ ҚИРҒИН ҚУРОЛЛАРИНИНГ НОҚОНУНИЙ МУОМАЛАСИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ЮРИДИК ТАҲЛИЛИ ВА ЖАВОБГАРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	66
<b>9. Jumanazarova Marjona Botir qizi</b> OXIRGI ZARURAT NAZARDA TUTILGAN NORMALARNING RIVOJLANISH TARIXI VA O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI JINOYAT KODEKSIGA KIRITILISHINING ZARURATI.....	77
<b>10. Худайкулов Ферузбек Хуррамович</b> ЖИНОЯТ ОБЪЕКТИВ ТОМОНИ ФАКУЛЬТАТИВ БЕЛГИЛАРИ: УЛАРНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ ВА ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ АҲАМИЯТИ.....	87
<b>11. Хидоятлов Бахтиёр Батирович</b> ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ПРОЦЕССУАЛ ШАКЛ: МОҲИЯТИ, ТАВСИФИ ВА АҲАМИЯТИ.....	100
<b>12. Полвонов Нажмиддин Аслиддинович</b> ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА МУСОДАРА ҚИЛИНИШИ МУМКИН БЎЛГАН МУЛК ОБЪЕКТЛАРИ.....	108



**Иброҳимов Жамшид Абдуғофур ўғли,**  
Тошкент давлат юридик университети  
мустақил изланувчиси (DSc),  
юридик фанлар бўйича (PhD) фалсафа доктори  
E-mail: Jama\_tilla@mail.ru

## ЯЛПИ ҚИРҒИН ҚУРОЛЛАРИНИНГ НОҚОНУНИЙ МУОМАЛАСИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРИНИНГ ЮРИДИК ТАҲЛИЛИ ВА ЖАВОБГАРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**For citation:** Ibrokhimov Jamshid Abdugofur ogli. LEGAL ANALYSIS OF CRIMES RELATED TO ILLICIT TRAFFICKING IN WEAPONS OF MASS DESTRUCTION AND ISSUES OF INCREASING LIABILITY. Journal of Law Research. 2022, 7 vol., issue 9, pp. 66-76

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7243297>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада террорчилик хусусиятига эга жиноят сирасига кирувчи ялпи қирғин қуролларининг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган миллий ва хорижий давлатлар тажрибаси илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. Ялпи қирғин қуролларининг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятларга оид хорижий давлатлар қонунчилик ҳужжатлари, шунингдек, жиноят ҳуқуқи соҳасидаги мутахассис олимларнинг қарашлари ўрганилган. Мақолада хорижий тажриба бўйича амалга оширилган таҳлиллар натижаси бўйича ялпи қирғин қуролларининг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган жиноят қонуни нормаларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** террорчилик хусусиятига эга жиноят, ялпи қирғин қуроллар, биологик (бактериологик) қурол, заҳарли қурол, ядровий қурол, геофизик қурол, юридик таҳлил, ижтимоий хавfli қилмиш.

**Иброҳимов Жамшид Абдуғофур угли,**  
самостоятельный соискатель (DSc)  
Тошкентского государственного юридического университета,  
доктор философии (PhD) по юридическом наукам  
E-mail: Jama\_tilla@mail.ru

## ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ ПРЕСТУПЛЕНИЙ, СВЯЗАННЫХ С НЕЗАКОННЫМ ОБОРОТОМ ОРУЖИЯ МАССОВОГО ПОРАЖЕНИЯ И ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ ОТВЕТСТВЕННОСТИ

## АННОТАЦИЯ

В статье научно и теоретически анализируется опыт отечественных и зарубежных стран, на которые установлена ответственность за преступления, связанные с незаконным оборотом оружия массового поражения, входящие в состав преступления террористического характера. Изучены правовые документы зарубежных стран, касающиеся преступлений, связанных с незаконным оборотом оружия массового поражения, а также мнения ученых-экспертов в области уголовного права. В статье по результатам анализа зарубежного опыта вносятся предложения по совершенствованию норм уголовного закона, определяющих ответственность за преступления, связанные с незаконным оборотом оружия массового поражения.

**Ключевые слова:** преступление террористического характера, оружие массового поражения, биологическое (бактериологическое) оружие, токсическое оружие, ядерное оружие, геофизическое оружие, правовой анализ, общественно опасное деяние.

**Ibrokhimov Jamshid Abdugofur ogli,**  
Independent researcher (DSc)  
of Tashkent State University of Law,  
Doctor of Philosophy (PhD) in Law  
E-mail: Jama\_tilla@mail.ru

## LEGAL ANALYSIS OF CRIMES RELATED TO ILLICIT TRAFFICKING IN WEAPONS OF MASS DESTRUCTION AND ISSUES OF INCREASING LIABILITY

### ANNOTATION

The article scientifically and theoretically analyzes the experience of domestic and foreign countries, which are responsible for crimes related to illicit trafficking in weapons of mass destruction, which are part of a crime of a terrorist nature. The legal documents of foreign countries concerning crimes related to illicit trafficking in weapons of mass destruction, as well as the opinions of scientists-experts in the field of criminal law, have been studied. In the article, based on the results of the analysis of foreign experience, proposals are made to improve the norms of the criminal law that determine responsibility for crimes related to illicit trafficking in weapons of mass destruction.

**Keywords:** crime of a terrorist nature, weapons of mass destruction, biological (bacteriological) weapons, toxic weapons, nuclear weapons, geophysical weapons, legal analysis, socially dangerous act.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан тақиқланган бактериологик (биологик), кимёвий ва бошқа хил ялли қирғин қуроллари турларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тўплаш, олиш, бировга ўтказиш, сақлаш, қонунга хилоф равишда эгаллаш ва улар билан бошқа ҳаракатлар Жиноят кодекси 255<sup>1</sup>-моддасида тақиқланган террорчилик хусусиятига эга жиноят ҳисобланади.

Ушбу жиноятнинг ижтимоий хавфлиги турли-туман жиноий оқибатларга сабаб бўлиши, номуайян доирадаги шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун таҳдид солиши, моддий қимматликлар ва бошқа манфаатларга жуда катта қўламда зарар етказиши мумкинлиги, кўркув туйғусини кучайтириш, жамият ҳаёт тарзига салбий таъсир кўрсатиши билан белгиланади[1].

Ялли қирғин қуроллари турлари ноқонуний муомаласини криминализация қилиш дунёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида халқаро ҳужжатларда белгиланган муҳим талаблардан бири ҳисобланади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларига тўла мос келади.

Ялли қирғин қуролларининг ноқонуний муомаласи ҳуқуқ билан қўриқланадиган глобал манфаатларига тажовуз қилади ёки шундай таҳдидни юзага келтиради. Унинг оқибатлари Ер сайёраси даражасидаги ҳалокатли бўлиши мумкин.

Бактериологик, кимёвий ва бошқа хил ялпи қирғин қуроллари турларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тўплаш, олиш, бировга ўтказиш, сақлаш, қонунга ҳилоф равишда эгаллаш ва улар билан бошқа ҳаракатларни содир этиш жиноятининг ижтимоий хавфи шундаки, унинг мавжудлиги инсонларнинг, минтақадаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларининг оммавий ифлосланиши, нобуд бўлиши ва йўқ бўлиши хавфини ҳамда жамият ва атроф муҳит учун бошқа зарарли таъсирларни юзага келтиради.

Айрим муаллифлар ялпи қирғин қуролларининг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятларни инсоният хавфсизлигига қарши жиноятлар сирасига киритсалар[2], бошқа бир гуруҳ олимлар ушбу жиноятларни ҳарбий жиноят, яъни ҳарбий ҳаракатларни олиб бориш усуллари ва воситаларининг белгиланган халқаро-ҳуқуқий тартибига тажовуз қилишини қайд этадилар[3], учинчи гуруҳ тадқиқотчилар эса, ушбу жиноятлар халқаро тинчлик манфаатларига қарши қаратилганлигини қайд этадилар[4].

Ўзбекистон Республикаси ялпи қирғин қуроллари кўллашни чеклаш бўйича кўп сонли халқаро шартномалар иштирокчиси ҳисобланади: Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисида шартнома (01.07.1968 й., Москва, Вашингтон, Лондон; Ўзбекистон 1992 йил 9 декабрдаги 760-ХП-сон Олий Кенгаш қарорига мувофиқ қўшилган); Бактериологик (биологик) ва токсик қурол-яроғларни ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва тўплашни ман этиш ҳамда уларни тугатиш тўғрисидаги Конвенция (10.04.1972 й., Лондон, Вашингтон, Москва; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг 1995 йил 22 декабрдаги 185-И-сон Қарорига мувофиқ қўшилган); Химиявий қуролни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тўплаш ва кўллашни тақиқлаш ҳамда уни йўқ қилиш ҳақидаги Конвенция (13.01.1993 й., Париж; Олий Мажлиснинг 1996 йил 26 апрелдаги 236-И-сон Қарорига мувофиқ ратификация қилинган); Ядро синовларини ялпи тақиқлаш тўғрисидаги шартнома (24.09.1996 й., Нью-Йорк; Олий Мажлиснинг 1997 йил 25 апрелдаги 432-И-сон Қарорига мувофиқ ратификация қилинган); Оддий қуролнинг ҳаддан ташқари кўп зарар келтиради ёки барча нарсага баравар таъсир этади деб ҳисобланиши мумкин бўлган конкрет турлари кўлланилишини тақиқлаш ёки чеклаш тўғрисидаги Конвенцияга Қўшимча баённома (IV-сон баённома) (13.10.1995 й., Вена, Ўзбекистон Республикаси учун 1998 йил 30 июлдан кучга кирган); Ядровий материални жисман ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенция (03.03.1980 й., Вена; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг 1997 йил 26 декабрдаги 556-И-сон қарорига мувофиқ қўшилган); Бомбали терроризмга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция (15.12.1997 й., Нью-Йорк; Олий Мажлиснинг 1998 йил 29 августдаги 684-И-сон қарорига мувофиқ ратификация қилинган); Ядровий терроризм актларига қарши кураш тўғрисидаги Халқаро конвенция (13.04.2005 й., Нью-Йорк; Ўзбекистон Республикаси 2008 йил 9 апрелдаги ЎРҚ-146-сон Қонунга мувофиқ қўшилган).

Бактериологик, кимёвий ва бошқа хил ялпи қирғин қуроллари турларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тўплаш, олиш, бировга ўтказиш, сақлаш, қонунга ҳилоф равишда эгаллаш ва улар билан бошқа ҳаракатларни содир этиш жиноятининг **объекти** масаласига тўхталадиган бўлсак, бир қатор террорчилик хусусиятига эга жиноятлар сингари унинг махсус объекти жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартиби, турдош объекти эса, жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Мазкур жиноятнинг асосий бевосита объекти бўйича турлича фикрлар билдирилади. Хусусан, А.В.Наумов эса, мазкур жиноятнинг асосий бевосита объекти сифатида тинчлик ва давлатнинг тинч мавжуд бўлишини кўрсатади ва ялпи қирғин қуролларининг ишлаб чиқарилиши ва тарқатилиши оқибатида айнан ушбу муносабатлар таҳдид остида қолишини таъкидлайди[5]. М.Ш.Гедиев ҳам ушбу ёндашувни қўллаб-қувватлаб, “глобал кўламда бутун инсониятнинг тинчлиги ва хавфсизлиги манфаатларининг таркибий қисми сифатида халқаро миқёсда тинчликни таъминлаш бўйича манфаатлар ялпи қирғин қуролларининг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятларнинг асосий бевосита объекти ҳисобланади. Шу билан бирга инсоният хавфсизлигини таъминлаш манфаатлари ушбу жиноятнинг қўшимча бевосита объекти ҳисобланади” [6], деб ёзади.

“Ушбу жиноятнинг бевосита объекти бўлиб, инсоният хавфсизлиги, унинг биологик тур сифатида нормал яшаш шарт-шароитлари ҳисобланади. Мазкур жиноят инсоният зоти, унинг ҳозири ва келажаги учун хавфли ҳисобланади”[7].

Жиноят **предмети** бўлиб, бактериологик (биологик), кимёвий ва бошқа хил ялпи қирғин қуроллари ҳисобланади.

Ушбу қурол турлари билан боғлиқ асосий халқаро ҳужжат 1972 йил 10 апрелда имзоланган Бактериологик (биологик) ва токсик қурол-яроғларни ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва тўплашни ман этиш ҳамда уларни тугатиш тўғрисидаги Конвенция ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ушбу Конвенцияга 1995 йил 22 декабрда 185-И-сон Қонун асосида қўшилган. Мазкур Конвенцияда кимёвий қурол, биологик (бактериологик) қурол, заҳарли қурол ва ядровий қурол каби тушунчаларга таъриф берилган.

Шу билан бирга адабиётларда ялпи қирғин қуроллари ва уларнинг турларига ҳар хил таърифлар берилади. Масалан, М.Ш.Гедиев ва Р.А.Пыхтинларнинг ёзишича, “ялпи қирғин қуроллари деганда, даставвалдан имкон қадар кўп миқдордаги одамларни йўқ қилишга мўлжалланган танламасдан таъсир кўрсатувчи ҳар қандай қуролни тушуниш мумкин. Флора, фауна ва табиат объектларига (табиий ва сунъий) вайронкор таъсир кўрсатиш бундай қуролнинг факультатив белгилари бўлиши мумкин”[8].

Халқаро ҳуқуқда ялпи қирғин қуроллари деганда, “портлаш ёки радиоактив материаллар ёрдамида танламаган ҳолда таъсир кўрсатувчи қурол, ўлимга олиб келувчи кимёвий ва бактериологик қуроллар ва атом бомбаси ёки юқорида кўрсатилган таъсир кучига эга бўлган келажакда ишлаб чиқиладиган ҳар қандай қурол”[9] тушунилади.

А.Г.Кибальник ва И.Г.Соломоненколар ялпи қирғин қуролига танламай таъсир кўрсатувчи ҳамда қўлланилиши натижасида номуайян шахслар доирасини нобул қилишга қодир бўлган ҳар қандай қуролни киритадилар[10].

Л.В.Иногамова-Хегай эса, ялпи қирғин қуроли алоҳида жабрланувчиларга қаратилмаган, танламай таъсир кўрсатадиган ҳамда ўзининг ҳалокатли кучи ҳисобига муайян жойдаги барчани нобуд қилувчи қурол деб ҳисоблайди[11].

И.И.Бикеев ва А.С.Плешковлар эса, ялпи қирғин қуроллари предметини ўрганар экан, ялпи қирғин қуролнинг ўзига хос хусусиятлари сифатида унинг танламасдан таъсир кўрсатиши билан бир қаторда “нисбатан кўп бўлмаган миқдорда катта миқдордаги инсонлар, ҳайвон ёки ўсимликларни нобуд қилиш қобилияти”ни ҳамда “атроф муҳитга таъсир қилишини” кўрсатадилар[12].

Хулоса қилиб айтганда, ялпи қирғин қуроллари деганда, қўлланилганда тирик жон – инсон ва ҳайвонларни оммавий йўқ қиладиган ҳамда атроф муҳит ва одамларга жиддий зарар етказадиган ядровий, кимёвий, биологик ва заҳарли қуроллар тушунилади.

Шу тариқа ялпи қирғин қуролнинг асосий хусусиятлари сифатида унинг танламасдан таъсир кўрсатиши, бир вақтнинг ўзида кўп миқдордаги инсонларни нобуд қилиши кабиларни кўрсатиш мумкин.

ЖК 255<sup>1</sup>-моддаси диспозициясида “ялпи қирғин қуроллари” тушунчасидан фойдалангани ҳолда унинг айрим турларини – бактериологик (биологик), кимёвий ва бошқа турларини алоҳида ажратиб кўрсатади.

**Бактериологик (биологик) ялпи қирғин қуроллари** деганда, ҳарбий мақсадларда ҳамда инсонларга ва ҳайвонларга бактериал касалликлар (холера, вабо, мохов ва б.) ва патогенларни (геморрагик иситма, энцефалит, чечак ва б.) кўзғатувчиларини юктириш мақсадида махсус яратилган, шунингдек, авиация қурилмалари, генераторлар, ҳар хил турдаги аэрозоллар, тактик ракеталар, артиллерия снарядлари, миналар ва бошқа техник қурилмалар каби махсус етказиб бериш воситаларига жойлаштирилган, шунингдек, касаллик кўзғатувчисини ташувчиси орқали ҳаракатга келтириладиган қурол тушунилади.

Бошқа адабиётларда “биологик ялпи қирғин қурол деганда, инсоният ёки бошқа тирик организмнинг касаллантириш ёки ҳалок этиш, атроф-муҳит, озик-овқат, сув ёки бошқа моддий объектларни ифлослантириш мақсадида яратилган ҳар қандай тирик организм, шу жумладан, микроорганизм, вирус ёки бошқа биологик бирикма, шунингдек, тирик организм томонидан

чиқарилган ёки ген инжареняси усулида қўлга киритилган ҳар қандай модда ёхуд уларнинг ҳосилалари, худди шунингдек, уларни етказиб бериш воситалари тушунилади. Тирик организмлар – бу бактериялар, қўзқоринлар, риккетсиялар ва бошқалар, етказиб бериш ва қўллаш воситаларига снарядлар, ракеталар, бомбалар ва бошқалар киради”[13].

Шу билан бирга адабиётларда ушбу тушунчага қуйидагича таърифлар берилган: “ишлаб чиқариш, сақлаш, хизмат кўрсатиш ва биологик зарар етказувчи элементни қўллаш жойига тезкор етказишни қамраб олувчи илмий-технологик мажмуа”[14]; “ҳарбий биологик воситаларнинг касаллик тарқатувчи хусусиятидан фойдаланишга асосланган ҳаракат”[15]; инсон ёки ҳайвон организмда кўпайиш қобилятига эга микроорганизмларнинг касаллик кўзғатувчи хусусиятидан фойдаланишга асосланган ҳаракатлар[16].

И.И.Синякин биологик қуролнинг муҳим белгиларидан бири – материал ва қурилмаларнинг икки мақсадли фойдаланишга мўлжалланганлигини ва шу туфайли биологик қурол қўлланилганлигини аниқлаш мураккаб эканлигини кўрсатади[17]. Биологик қурол тиббий дори-дармон, биотиббий маҳсулотлар, биологик материаллар ва бошқа маҳсулотлар остида ниқобланиши мумкин[18].

Биологик қурол алоҳида хавф келтириб чиқаради – у йирик географик худудларда инсонлар ва ҳайвонларда хавфли касалликларни келтириб чиқаради, чунки ушбу қурол самарадорлиги юқумли касалликлар тарқалиши билан ортиб боради[19].

Биологик қуролда фойдаланиладиган, инсон ҳайвон ёки ўсимлик организмга тушган тақдирда оғир юқумли касалликларни келтириб чиқариши мумкин бўлган биологик моддаларга қуйидагилар киради: ўта хавфли юқумли касалликларни келтириб чиқарувчи микроб ва вирусларнинг алоҳида турлари; ушбу микроб ва вируслар ҳаёт фаолиятининг заҳарли маҳсулотлари; генетик материаллар – микроб ва вируслардан олинган юқумли нуклеин кислоталар молекулалари; юқумли касалликлар ташувчиси бўлган айрим ҳашарот турлари ва бошқалар[20].

Биологик (бактериологик) қурол микроорганизмларнинг (бактерия, вируслар) инсон, ҳайвон ва ўсимликда оммавий касалланишни келтириб чиқаришга қодир бўлган касаллик тарқатувчи хусусиятидан фойдаланишга асосланган.

Инсонларни маҳв этиш учун биологик (бактериологик) ялпи қирғин қуроли сифатида қуйидагилардан фойдаланиш мумкин: бактериал касалликларнинг кўзғатувчиси (вабо, туляремия, бруцеллез, сибир қуйдиргиси, холера); юқумли касалликлар кўзғатувчиси (чечак, сариқ иситма, венесуэль энцефаломиелити); риккетсиозларнинг кўзғатувчиси (тиф, Рокки тоғларининг доғли иситмаси, Кулихорадка); грибокли касалликлар кўзғатувчилари (кокцидиодомикоз, покардиоз, гистоплазмоз)[21].

**Кимёвий ялпи қирғин қуроллари** деганда, рақибнинг жонли кучини маҳв этишга қаратилган ҳарбий мақсадларда қўллаш учун маҳсус яратилган ҳамда сақлаш ва етказиб беришнинг маҳсус воситаларида жойлаштирилган юқори заҳарли кимёвий бирикмалардан ташкил топган қурол тушунилади. Бундай қуроллар юқори даражада заҳарлиги, рақибнинг жонли кучини заҳарли таъсир кўрсатган ҳолда (инсон ёки ҳайвоннинг турли тана аъзоларига таъсир кўрсатади) ҳалок этувчи ёки жиддий шикастлантирувчи, тез таъсир кўрсатувчи, ҳарбий кийим-бош ва теридан ҳамда нафас олиш йўлларидадан осон ўтувчи, органолептик хусусиятларга эга бўлмаган (рангсиз, ҳидсиз) ва аниқланиши қийин эканлиги каби хусусиятлари билан тавсифланади.

Кимёвий қурол 1925 йилдаёқ Женева баённомаси билан тақиқланган. Кимёвий қуролнинг қуйидаги турлари мавжуд: артиллерия кимёвий снарядлари ва миналар; артиллерия кимёвий бомбалари; ракеталарнинг кимёвий каллаклари; кимёвий шашка, граната ва патронлар.

Кимёвий қуролнинг маҳв этувчи кучи ҳарбий заҳарли кимёвий моддаларни қўллаш билан боғлиқ бўлади. Бундай моддаларга инсон ва ҳайвонларнинг организмга ҳалокатли таъсир кўрсатувчи модда ва заҳарлар киради; турли ўсимликлар турларини нобуд қилишга қаратилган фитотоксикантлар; микроорганизмлар томонидан ҳосил қилинадиган, шунингдек,

хайвонлар (илон, чаён, ўргимчак) ёки ўсимликлар (масалан, кастор уруғидан олинадиган рицин) томонидан ажратиладиган заҳарли моддалар киради.

Кимёвий ялпи қирғин қуроли инсон организмга тери қатлами, нафас йўллари, ошқозон транкти, силлиқ парда орқали сингиб кириш ва қисқа фурсат ичида летал оқибатга олиб келиш қобилиятига эга бўлган, аэрозол, пар, газ ёки суюқ ҳолатдаги кимёвий бирикманинг заҳарли таъсирига асосланади.

Кимёвий қуроллар икки турга бўлинади: 1) ўлимга сабаб бўлувчи (шу жумладан, жонли кучни йўқ қилишга қаратилган умумзаҳарли, асабни фалаж қилувчи, тери орқали таъсир қилувчи ва бўғувчи заҳарловчи моддалар); 2) жонли кучни вақтинчалик сафдан чиқарувчи (жонли кучни бир неча дақиқадан бир неча суткагача бўлган муддатга сафдан чиқариш бўйича тактик вазифаларни ҳал қилиш имконини берувчи ашёлар; уларга кўпинча психокимёвий ва кўзғатувчи таъсир кўрсатувчи кимёвий қуроллар киради).

Заҳарлилик кимёвий қуролнинг муҳим хусусиятларидан бири ҳисобланади. Заҳарлилик инсон организмда патологик ўзгаришларни келтириб чиқариб, унинг ҳарбий ҳаракатларни олиб бориш (ишлаш) қобилиятини йўқолишига ёки ўлимига сабаб бўлади. Бунда заҳарнинг таъсири унинг таркиби, организмга кириш йўли, организмнинг ҳолати ва кимёвий қуролни қўллаш шартлари билан боғлиқ бўлади. Ҳозирги вақтда кимёвий қуролнинг олти тури ажратиб кўрсатилади: 1) умумзаҳарли таъсирли (хусусан, синиль кислотаси ва унинг бирикмалари); 2) асабни фалаж қилувчи (зарин, зоман, VX-газлар); 3) тери орқали таъсир қилувчи (иприт); 4) бўғувчи таъсирли (фосген); 5) психокимёвий таъсир кўрсатувчи (BZ моддаси); 6) кўзғатувчи таъсирли (CS, CR аэрозоллари).

**Бошқа хил** ялпи қирғин қуроллари деганда, оммавий маҳв этиш, одамларни, ўсимлик ёки ҳайвонот дунёсини ёппасига заҳарлаш ёки йўқ қилиш хусусиятига эга бўлган ядровий ва бошқа ҳар қандай ялпи қирғин қуролларини тушуниш мумкин[22].

**Ядровий ялпи қирғин қуроли** деганда ядровий ўқ-дори, уларни манзилига тезкор етказиш ҳамда бошқарув воситалари мажмуи тушунилади. Бунда маҳв этувчи таъсир портлашдан ҳосил бўлган зарб тўлқини, нурланиш, радиация ва радиоактив ифлосланиш натижасида етказилади. Ядровий қуролнинг ҳам ядровий, термоядровий ва нейтрон каби турлари мавжуд. Ядровий ялпи қирғин қуроли таъсири атом ядросининг тезкор бўлиниши натижасида ҳосил бўладиган энергия ҳисобидан пайдо бўладиган йирик портлашга асосланади. Ядровий қурол ҳозирги кунга келиб, энг вайронкор ялпи қирғин қуроли ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, ЖК 255<sup>1</sup>-моддаси ялпи қирғин қуроллари турларининг қатъий, яқуний рўйхати берилмаган. Яқин келажақда ялпи қирғин қуролларининг “иқлимий”, “тектоник”, “геофизик”, “нурли”, “инфрақизил”, “генетик” каби янги турлари яратилиши эҳтимоли мавжудлигини инобатга олсак, қонун чиқарувчининг бундай ёндашувини маъқуллаш лозим.

Шу билан бирга адабиётлар ялпи қирғин қуролнинг мустақил тури сифатида **заҳарли қуроллар** ҳам алоҳида кўрсатилади. Заҳарли ялпи қирғин қуроллари – заҳарли оксил моддалари таъсирига, қатор микроорганизмларнинг моддалар алмашинувчи маҳсулотларига, шунингдек, айрим заҳарли ҳайвон ва ўсимликлар турларининг инсон ва ҳайвонларни ҳалок қилиши ёки касал қилишга қодир бўлган заҳрига асосланган қурол.

Заҳарли ялпи қирғин қуроллари заҳар ҳисобидан таъсир кўрсатади. Заҳар деганда, бактериял, ўсимлик ёки ҳайвонот келиб чиқишига эга бўлган ва инсонлар ёки ҳайвонлар организмга тушганда касаллик ёки ўлимни келтириб чиқаришга қодир бўлган бирикма тушунилади. Унга кўзиқорин, сув ўтлари, вируслар каби патоген микроорганизмлар киради. Заҳар илон, ўргимчак, чаён ва бошқаларнинг заҳрида бўлиши мумкин[23].

Кўпинча заҳарли ялпи қирғин қуроллари биологик қурол тури сифатида кўрсатилади ва буни хато деб бўлмайди. Адабиётларда кўрсатилишича, заҳарли ва биологик ялпи қирғин қуроллари ўртасидаги асосий фарқ маҳв этувчи таъсир хусусиятида: биологик (бактериологик) қурола – бу тирик организм; заҳарли қурол эса, моддалар алмашинувчи маҳсули[24].

Хусусан, адабиётларларда **радиологик қуролни** ҳам ялпи қирғин қурол тури сифатида мустаҳкамлаш таклиф этилади. Ушбу таклифни илгари сураётган ҳуқуқшунос олимлар мазкур қурол узоқ муддатли радиоактив ифлослантириш хусусиятига эгалиги, танламасдан таъсир кўрсатиш кучига эгалиги ҳамда номуайян шахслар доирасини нобуд қилиш учун мўлжалланганлигини қайд этадилар[25].

Радиологик қурол сунъий яратилган кукун ёки эритма шаклида қўлланиладиган ионлашган радиоактив элементлардан иборат радиоактив моддаларга асосланган ялпи қирғин қуроли ҳисобланади. Нурланиш организм тўқималарига ҳалокатли таъсир қилиб, уларни бузади, тери участкаларини зарарлайди. Радиоактив моддаларнинг таъсири ядровий портлаш натижасида ҳосил бўладиган таъсирга ўхшаш.

**Радиочастотали қурол** эса, юқори ёки паст частотали электромагнит нурланиш орқали тирик организмга ҳалокатли таъсир кўрсатади. Ушбу ялпи қирғин қуроли инсон руҳиятига салбик таъсир кўрсатади, ҳудудда мўлжал олиш, атроф муҳитни қабул қилиш қобилиятини ишдан чиқаради, галлюцинация ва мияда бошқа аномалияларни келтириб чиқаради.

Инфратовушли қурол ўта кучли инфратовуз тебранишлари орқали таъсир кўрсатади[26].

Ҳозирги вақтда адабиётларда тегишли ҳудудда барча тирик мавжудотни товуш, акустик тебраниш ва бошқача таъсир орқали йўқ қилишга қодир бўлган инфртузилма, радиологик ва бошқа ялпи қирғин қуроллари мавжудлиги қайд этилади. Ушбу қуроллар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида тақиқланмагунига қадар мазкур жиноят предмети бўла олмайди.

Бошқа адабиётларда эса, **геофизик қурол** яратилганлиги ҳамда у атмосфера, гидросфера ва литосферага сунъий таъсир кўрсатиш орқали вайронкор кучга эга бўлган табиат кучларининг мажмуи ҳисобланиши айтилади. Ялпи қирғин қуролига шунингдек, радиологик, нурли, радиочастотали, инфратовушли қуроллар ҳам киритилади[27].

Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, янги ялпи қирғин қуролларининг пайдо бўлиши ўз ўзидан ушбу жиноят учун жавобгарлик белгиланган ЖК 255<sup>1</sup>-моддаси предмети бўлавермайди. Зеро, ушбу модда бўйича жинойи жавобгарлик юзага келиши учун ялпи қирғин қуроли Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан тақиқланган бўлиши керак. Халқаро шартномаларга қўшилиш, уларни ратификация қилиш узоқ муддат талаб қиладиган ва мураккаб тартиб-таомиллардан иборат жараён эканлигини инобатга олиб, ЖК 255<sup>1</sup>-моддаси диспозициясида “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан тақиқланган” деган сўзларни “**Халқаро ҳуқуқ нормалари билан тақиқланган**” деган сўзлар билан алмаштириш мақсадга мувофиқ. Бу ўз навбатида бирор бир янги ялпи қирғин қуроли яратиладиган бўлса, Ўзбекистон ҳали қўшилмаган (ратификация қилмаган) халқаро ҳужжат асосида ҳам унинг ноқонуний муомаласининг олдини олиш таъминланади.

ЖК 255<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган жиноят **объектив томонидан** формал таркибли бўлиб, унинг диспозициясида назарда тутилган ҳаракатлар – ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тўплаш, олиш, бировга ўтказиш, сақлаш, қонунга хилоф равишда эгаллаш ва бошқа ҳаракатлар содир этилган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Ялпи қирғин қуролини ишлаб чиқиш бундай қуролнинг маҳв этувчи хусусиятларини яратиш ва такомиллаштириш бўйича ҳар қандай фаолиятни қамраб олади ҳамда авваламбор, ялпи қирғин қуролини ёки уни етказиш воситасини яратиш мақсадини ўз олдига қўйган илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик фаолиятини амалга оширишни англатади[28].

Ялпи қирғин қуролини ишлаб чиқариш эса, қўллаш учун тайёр бўлган ялпи қирғин қуроли ёки уни етказиш воситасини олиш мақсадида амалга ошириладиган ҳар қандай ҳаракатда ифодаланиши, шунингдек, бир мартали “қўлбола” усулда ҳам содир этилиши мумкин[29].

Ялпи қирғин қуролини тўплаш эса, бундай қурол, унинг компонентлари ёки етказиш воситалари захирасини миқдор жиҳатдан кўпайтириш, тўлдиришни англатади.

Ялпи қирғин қуролини олиш эса, бундай қуролни, уни етказиш воситасини ёки уни ишлаб чиқариш бўйича технологияни ҳар қандай усулда қўлга киритишни назарда тутати.

Ялпи қирғин қуролини бирова ўтказиш эса, бундай қурол, уни етказиш воситасини ёки уни ишлаб чиқариш бўйича технологияни ҳар қанадй усулда ўзидан бегоналаштириш ва бошқа шахсга топширишни билдиради[30].

С.А.Григорянц ва Ю.И.Скоропуповлар қуролнинг ноқонуний муомаласи – бу ноқонуний муомалада бўлган қурол яроғнинг жиноий ҳаракатидан иборат[31], деб ёзадилар. Бошқа муаллифлар эса, қуролларнинг ноқонуний муомаласи бир тарафдан аниқ жиноят таркибини ташкил этса, бошқа тарафдан жамоат хавфсизлигига жиноий тажовуларни (одам ўлдириш, босқинчилик, талончилик, товламачилик ва б.) содир этиш учун хизмат қилади[32].

Ю.В.Загайнова эса, “қуролнинг ноқонуний муомаласи деганда, аниқ ижтимоий шароитлар билан асосланган қурол билан муомала қилишнинг белгиланган тартибини бузган ҳолда уни жамиятда қўллаш, фойдаланиш ва тарқатиш жараёни” [33].

Д.А.Корецкий ва Э.В.Солоницкая эса, “қуролнинг ноқонуний муомаласи – қуролнинг истеъмолчига қараб келгусида ҳаракатланиш, шунингдек, ундан қонунни бузган ҳолда фойдаланиш ва йўқ қилиш жараёни”[34], деб ёзади.

В.А.Робак эса, “қуролнинг ноқонуний муомаласи деганда, қурол, шу жумладан, тақиқланган ва муомаласига рухсат этилган қурол билан жиноят қонунида белгиланган тартиб ва қоидаларни бузган ҳолда муомала қилиш” [35] деб ҳисоблайди.

ЖК 255<sup>1</sup>-моддаси доирасида ялпи қирғин қуролларини яратиш учун фойдаланилиши мумкин бўлган **технология, илмий-техник ахборот ва хизматларни ноқонуний кўрсатганлик** учун ҳам жиноий жавобгарликни белгилаш мақсадга мувофиқ.

Ушбу жиноят **субъекти** умумий субъект, яъни 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс ҳисобланади.

Ушбу жиноят **субъектив томондан** фақатгина тўғри қасд билан содир этилади. Яъни, шахс жиноят содир этаётган вақтида ялпи қирғин қуроли билан боғлиқ ноқонуний ҳаракатлар содир этаётганлигини англаши ҳамда ушбу ҳаракатлардан бирини содир этишни хоҳлаши лозим.

Бактериологик, кимёвий ва бошқа хил ялпи қирғин қуроллари турлари ноқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарликка оид хорижий давлатлар тажрибаси таҳлили шуни кўрсатадики, Хитойда мазкур жиноят учун энг олий жазо чораси назарда тутилган. Шунингдек, АҚШ ва Хитой жиноят қонунчилигида мазкур қуролларни кўп ҳажмда ноқонуний муомаласини амалга ошириш оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгиланган.

Шу асосда мазкур жиноят учун жавобгарлик белгиланган жиноят қонуни нормаларини юқоридагилар асосида такомиллаштириш, шу жумладан, жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларни дифференциация қилиш мақсадга мувофиқ.

## Иқтибослар/Сноски/References:

1. Кравцов А.И. Незаконные действия с оружием: теоретические аспекты и проблемы законодательного описания их составов (на материалах практики судов Саратовской области): Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Краснодар, 2007. – С. 7-8. (Kravtsov A.I. Illegal actions with weapons: theoretical aspects and problems of the legislative description of their composition (on the materials of the practice of the courts of the Saratov region): Abstract of the thesis. diss. ... cand. legal Sciences. - Krasnodar, 2007. - P. 7-8)
2. Иногамова-Хегай Л.В. Международное уголовное право. – СПб., 2003. – С. 208-209. (Inogamova-Khegay L.V. International criminal law. - St. Petersburg, 2003. - P. 208-209.)
3. Трикоз Е.Н. Преступления против мира и безопасности человечества: сравнительный и международно-правовой аспекты. – М., 2007. – С. 207. (Trikoz E.N. Crimes against the peace and security of mankind: comparative and international legal aspects. - M., 2007. - P. 207.)
4. Кибальник А.Г., Соломоненко И.Г. Преступления против мира и безопасности человечества. – СПб., 2004. – С. 160. (Kibalnik A.G., Solomonenko I.G. Crimes against the peace and security of mankind. - St. Petersburg, 2004. - P. 160)

5. Наумов А.В. Практика применения Уголовного кодекса Российской Федерации: комментарий судебной практики и доктринальное толкование. – М., 2005. – С. 903. (Naumov A.V. The practice of applying the Criminal Code of the Russian Federation: commentary on judicial practice and doctrinal interpretation. - M., 2005. - P. 903)
6. Гедиев М.Ш. Незаконный оборот оружия массового поражения как преступление против мира и безопасности человечества: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Краснодар, 2012. – С. 11-12.; Гедиев М.Ш. Незаконный оборот оружия массового поражения в системе преступлений против мира и безопасности человечества // Общество и право. – 2010. – №4(31). – С. 170-171. (Gediev M.Sh. Illicit circulation of weapons of mass destruction as a crime against the peace and security of mankind: Abstract of the thesis. diss. ... cand. legal Sciences. - Krasnodar, 2012. - P. 11-12. ; Gediev M.Sh. Illegal circulation of weapons of mass destruction in the system of crimes against the peace and security of mankind // Society and Law. - 2010. - No. 4 (31). - P. 170-171.)
7. Постатейный комментарий. Уголовный Кодекс РФ с комментариями в действующей редакции // [www.nalogcodex.ru/comments/uk-rf](http://www.nalogcodex.ru/comments/uk-rf) (Article by article comment. Criminal Code of the Russian Federation with comments in the current edition // [www.nalogcodex.ru/comments/uk-rf](http://www.nalogcodex.ru/comments/uk-rf))
8. Гедиев М.Ш., Пыхтин Р.А. Понимание оружия массового поражения в уголовном праве // Общество и право. – 2011. – №3. (Gediev M.Sh., Pykhtin P.A. Understanding weapons of mass destruction in criminal law // Society and Law. - 2011. - No. 3.)
9. Резолюции и решения Генеральной Ассамблеи ООН, принятые на XXII сессии. – Нью-Йорк, 1968. – С. 47. (Resolutions and decisions of the UN General Assembly adopted at the XXII session. - New York, 1968. - P. 47)
10. Кибальник А.Г., Соломоненко И.Г. Преступления против мира и безопасности человечества. – СПб., 2004. – С. 106. (Kibalnik A.G., Solomonenko I.G. Crimes against the peace and security of mankind. - St. Petersburg, 2004. - P. 106.)
11. Иногамова-Хегай Л.В. Международное уголовное право. СПб., 2003. – С. 208. (Inogamova-Khegay L.V. International criminal law. SPb., 2003. - P. 208.)
12. Бикеев И.И. Оружие массового поражения, материалы или предметы, которые могут быть использованы при создании такого оружия, как предметы преступления по российскому уголовному праву // Уголовное право: стратегия развития в XXI веке. – М., 2008. – С. 369.; Плешаков А.С. Биологическое оружие: понятие и уголовная ответственность // Советская юстиция. – 1993. – № 23. (Bikeev I.I. Weapons of mass destruction, materials or objects that can be used in the creation of such weapons as objects of crime under Russian criminal law // Criminal law: development strategy in the XXI century. - M., 2008. - P. 369.; Pleshakov A.S. Biological weapons: concept and criminal liability // Soviet justice. - 1993. - No. 23)
13. Антипов В.Б., Ковтун В.А., Новичков С.В. Распространение оружия массового поражения – угроза безопасности государства. Химическое оружие // Военная мысль. – 2018. – №8. – С. 12-13.( Antipov V.B., Kovtun V.A., Novichkov S.V. The proliferation of weapons of mass destruction is a threat to the security of the state. Chemical weapons // Military thought. - 2018. - No. 8. – P. 12-13.)
14. Федоров ДА. Советское биологическое оружие: история, экология, политика. М. : МСоЭС, 2005. – С.98. (Fedorov YES. Soviet biological weapons: history, ecology, politics. M. : MSoES, 2005. - P.98.)
15. Большой юридический словарь / В.Н. Додонов, В.Д. Ермаков, М.А. Крылов и др. – М.: Инфра-М, 2001. – С. 623. (Big legal dictionary / V.N. Dodonov, V.D. Ermakov, M.A. Krylov and others - M. : Infra-M, 2001. – P. 623.)
16. Военно-морской словарь / В.Н. Чернавин. М.: Воениздат МО СССР, 1990. – С. 140. (Naval Dictionary / V.N. Chernavin. M. : Military Publishing House of the USSR Ministry of Defense, 1990. – P. 140)

17. Сняжкин И.И. Терроризм с использованием оружия массового уничтожения: международно-правовые вопросы противодействия. – М.: Норма, 2012. – С. 11. (Sinyakin I.I. Terrorism with the use of weapons of mass destruction: international legal issues of counteraction. – М.: Norma, 2012. – P. 11.)
18. Холопова Е.Н., Масальская В.О. Биологическое оружие как угроза национальной безопасности России // Правовое государство: теория и практика. – 2020. – №16. – С. 113-114. (Kholopova E.N., Masalskaya V.O. Biological weapons as a threat to Russia's national security // State of Law: Theory and Practice. - 2020. - No. 16. – P. 113-114.)
19. Иванов И.А. Понятие «оружие массового поражения» как элемент криминалистической характеристики контрабанды // Вестник Российской таможенной академии. – 2021. – № 3. – С. 159-160. (Ivanov I.A. The concept of "weapons of mass destruction" as an element of the forensic characteristics of smuggling // Bulletin of the Russian Customs Academy. - 2021. - No. 3. - P. 159-160.)
20. Невольских А.М. Оружие массового поражения как предмет составов разработки, производства, накопления, приобретения или сбыта оружия массового поражения и применения запрещенных средств и методов ведения войны // Известия ВУЗов. –2006. – №5. – С. 60-62. (Nevolskikh A.M. Weapons of mass destruction as a subject of compositions for the development, production, accumulation, acquisition or sale of weapons of mass destruction and the use of prohibited means and methods of warfare. Izvestiya VUZov. -2006. - No. 5. – P. 60-62.)
21. Гедиев М.Ш., Пыхтин Р.А. Понимание оружия массового поражения в уголовном праве // Общество и право. – 2011. – №3(35). – С. 192-193. (Gediev M.Sh., Pykhtin R.A. Understanding weapons of mass destruction in criminal law // Society and Law. - 2011. - No. 3 (35). – P. 192-193)
22. Мламян Н.М. Преступления против мира и безопасности человечества // Наука и образование: современные тренды. – 2015. – №10. – С. 63-64. (Mlamyan N.M. Crimes against the peace and security of mankind // Science and education: modern trends. - 2015. - No. 10. – P. 63-64.)
23. Тарасенко Г.В. Классификация предметов, находящихся в незаконном владении лиц, совершающих преступления в сфере незаконного оборота оружия // Общество и право. – 2016. – №1 (55). – С. 86-91. (Tarasenko G.V. Classification of items in illegal possession of persons committing crimes in the field of illegal arms trafficking // Society and Law. - 2016. - No. 1 (55). – P. 86-91)
24. Гедиев М.Ш., Пыхтин Р.А. Понимание оружия массового поражения в уголовном праве // Общество и право. – 2011. – №3(35). – С. 192-193. (Gediev M.Sh., Pykhtin R.A. Understanding weapons of mass destruction in criminal law // Society and Law. - 2011. - No. 3 (35). - P. 192-193.)
25. Гедиев М.Ш., Пыхтин Р.А. О незаконном обороте оружия массового поражения в современном мире // Общество и право. – 2010. – №5. (Gediev M.Sh., Pykhtin R.A. On the illegal circulation of weapons of mass destruction in the modern world // Society and Law. - 2010. - No. 5.)
26. Дербок З.Г., Сильченко Е.В., Аветисян А.А. Проблемы уголовной ответственности за незаконный оборот оружия массового поражения в Российской Федерации // Гуманитарные, социально-экономические и общественные науки. – 2019. – №5. – С. 130-131. (Derbok Z.G., Silchenko E.V., Avetisyan A.A. Problems of criminal responsibility for illicit trafficking in weapons of mass destruction in the Russian Federation // Humanitarian, socio-economic and social sciences. - 2019. - No. 5. - P. 130-131.)
27. Газарян К.Р. Уголовно-правовые последствия незаконного обращения с ядерными материалами или радиоактивными веществами // Известия ВУЗов. –2006. – №5. – С. 79-80. (Gazaryan K.R. Criminal legal consequences of illegal handling of nuclear materials or radioactive substances. Izvestiya VUZov. -2006. - No. 5. - P. 79-80.)

28. Гедиев М.Ш. Некоторые проблемы квалификации незаконного оборота оружия массового поражения по УК РФ // Труды юридического факультета Ставропольского государственного университета. Вып. 25. – Ставрополь: Изд-во СГУ, 2011. (Gediev M.Sh. Some problems of qualification of illegal circulation of weapons of mass destruction according to the Criminal Code of the Russian Federation // Proceedings of the Faculty of Law of the Stavropol State University. Issue. 25. - Stavropol: Publishing House of SSU, 2011.)
29. Гедиев М.Ш. Незаконный оборот оружия массового поражения как преступление против мира и безопасности человечества: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Краснодар, 2012. – С. 11-12. (Gediev M.Sh. Illicit circulation of weapons of mass destruction as a crime against the peace and security of mankind: Abstract of the thesis. diss. ... cand. legal Sciences. - Krasnodar, 2012. – P. 11-12.0)
30. Гедиев М.Ш. Незаконный оборот оружия массового поражения в системе преступлений против мира и безопасности человечества // Общество и право. – 2010. – № 4. (Gediev M.Sh. Illegal circulation of weapons of mass destruction in the system of crimes against the peace and security of mankind // Society and Law. - 2010. - No. 4)
31. Григорянц С.А. Незаконный оборот оружия, боеприпасов, взрывчатых веществ и взрывных устройств как объект криминологического исследования: Дисс. ... канд. юрид. наук. – Ростов-на-Дону, 2011. – С. 94.; Скоропупов Ю.И. Уголовно-правовые и криминологические вопросы борьбы с незаконными при-обретением, передачей, сбытом, хранением, перевозкой или ношением оружия, его основных частей, боеприпасов, взрывчатых веществ и взрывных устройств: Дисс. ... канд. юрид. наук. – Рязань, 2003. – С. 37. (Grigoryants S.A. Illicit trafficking in weapons, ammunition, explosives and explosive devices as an object of criminological research: Diss. ... cand. legal Sciences. - Rostov-on-Don, 2011. - P. 94 .; Skoropupov Yu.I. Criminal law and criminological issues of combating illegal acquisition, transfer, sale, storage, transportation or carrying of weapons, their main parts, ammunition, explosives and explosive devices: Diss. ... cand. legal Sciences. - Ryazan, 2003. - P. 37.)
32. Ситковский А.Л., Разинков Б.И., Хмель А.П. Преступления, совершаемые с применением огнестрельного оружия и взрывча-тых веществ. Их влияние на криминогенную обстановку в стране // Вестник МВД России. – 1998. – № 2-3. – С. 11. (Sitkovsky A.L., Razinkov B.I., Khmel A.P. Crimes committed with the use of firearms and explosives. Their influence on the criminogenic situation in the country // Bulletin of the Ministry of Internal Affairs of Russia. - 1998. - No. 2-3. – P. 11)
33. Невский С.А. Противодействие незаконному обороту оружия, боеприпасов и взрывчатых веществ (история, криминология и уголовно-правовые аспекты). – М.: Юрлитинформ, 2008. – С. 41. (Nevsky S.A. Counteraction to illegal circulation of weapons, ammunition and explosives (history, criminology and criminal law aspects). – М.: Yurlitinform, 2008.– P. 41)
34. Загайнова Ю. В. К вопросу о понятии незаконного оборота оружия // Вестник Восточно-Сибирского института МВД России. – 2012. – № 3(62). – С. 92. (Zagainova Yu. V. To the question of the concept of illicit trafficking in weapons // Bulletin of the East Siberian Institute of the Ministry of Internal Affairs of Russia. - 2012. - No. 3(62). – P. 92.)
35. Робак В.А. Понятие незаконного оборота оружия и классификация преступлений // Ученые записки Крымского федерального университета имени В.И.Вернадского. – 2021. – Т. 7 (73). № 4. – С. 200-204. (Robak V.A. The concept of illegal arms trafficking and the classification of crimes // Uchenye zapiski Crimean Federal University named after V.I.Vernadsky. - 2021. - T. 7 (73). No. 4. – P. 200-204.)

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

7 ЖИЛД, 9 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 7, НОМЕР 9

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 7, ISSUE 9

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Тадқиқот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000